

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

СОБИРОВА ДОНОХОН САИДАСҚАРХАНОВНА

ИНСУЛТДАН КЕЙИНГИ ЭПИЛЕПСИЯНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Собирова Донохон Саидаскархановна

Инсултдан кейинги эпилепсияни ташхислаш

ва даволашни оптималлаштириш..... 3

Собирова Донохон Саидаскархановна

Диагностика постинсультной эпилепсии

и оптимизация терапии..... 29

Sobirova Donokhon Saidaskarkhanovna

Diagnosis and optimization of treatment

of post-stroke epilepsy..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 60

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

СОБИРОВА ДОНОХОН САИДАСҚАРХАНОВНА

ИНСУЛТДАН КЕЙИНГИ ЭПИЛЕПСИЯНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4082 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳимбаева Гулнора Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аликулова Нигора Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Хуршидахон Абдубориевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 214-82-90.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Магмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра (2024)¹, дунёда эпилепсияга чалинган беморлар сони тахминан 50 млн. кишини ташкил қилади. 25-30% ҳолларда эпилепсия фармакотерапияга резистент ҳолатда кечади. Барча эпилепсия ҳолатларининг тахминан 10% ҳамда кексаларда илк бор аниқланган хуружларнинг 55%га цереброваскуляр касалликлар (ЦВК), айниқса миёда қон айланишининг ўткир бузилишлари (БМҚАЎБ) сабаб бўлган (Mafla-Mendoza A.P. et al., 2023). 90% ҳолатда инсулт ишемик турда, қолганлари эса геморрагик турда булади. Инсултдан кейинги эпилепсия (ИКЭ) охир-оқибатда ҳар йили инсулт утказган беморларнинг 3-6 миллионидан 6% ривожланади. (Pezzini A. et al., 2024; Tanaka T. et al., 2024).

Жаҳонда инсулт ногиронланишнинг асосий сабаби бўлиб, асосий ўлим сабаблари орасида иккинчи ўринни эгаллайди. Гарчи ўткир инсултни даволашдаги ютуқлар умр давомийлигининг ошишига олиб келган бўлса-да, инсулт билан боғлиқ эпилепсия ҳолатлари сони тобора ортиб бормоқда (Григолашвили М.А., Жуанишева Э.М., 2021). Инсултдан кейинги эпилепсия (ИКЭ) орттирилган таркибий эпилепсия шаклларида бири бўлиб, унинг асоратлари турмуш сифатини пасайтиради, ўлим кўрсаткичларини оширади ҳамда тиббий ёрдамга харажатларни кўпайтиради (Liang M. et al., 2021). Дунё миқёсида инсулт хавфининг юқорилиги ҳисобга олинса, ИКЭ инсултга чалинган одамлар учун жиддий муаммодир (Tanaka T. et al., 2024). Бундан ташқари, кеч бошланган эпилепсияда 40% ҳолатлар ИКЭ билан боғлиқ, бундай кеч бошланган эпилепсияда кўпинча инсулт рецидиви кузатилади, бу мазкур масаланинг ҳам глобал, ҳам миллий даражада муҳимлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилашга қаратилган ислохотлар билан бир қаторда, ИКЭ ва эпилепсия сабабларини аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш ва ушбу касалликларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шунга кўра, «...касалликларнинг олдини олиш ва ташҳислаш, замонавий технологияларни фаол татбиқ этиш ҳамда юқори малакали, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш»² мақсадлари қўйилган. Ҳозирги кунда эпилепсияни барвақт ташҳислаш, дифференциал ташҳислаш ва даволаш тактикаси кўплаб саволларни туғдирмоқда. Эпилепсияга чалинган беморларда ноотропларни қўллашга қарши кўрсатмалар мавжудлиги ҳақидаги фикрлар бўлса-да, касалликнинг баъзи бир этиологик вариантларида, хусусан, ИКЭда, метаболик таъсирга эга воситаларни тутқаноққа қарши препаратлар билан бирга қўллаш ўзини тўлиқ оқлаши мумкин. Ташҳисни нотўғри қўйиш ҳамда ИКЭни нотўғри даволаш касалликнинг оғирлиги, давомийлиги ва

¹ <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/epilepsy>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

беморларнинг турмуши сифатига таъсир кўрсатиши тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Мазкур диссертация иши кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлар тўғрисида», 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сонли «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорида, шунингдек мазкур фаолият соҳасида қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти VI. «Тиббиёт ва фармакология» бўйича Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлар талабларига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганли даражаси. Инсултни бошидан кечирган беморларда эпилептик ҳужжатлар ривожланиши частотаси 3-6% дан 55% гача ташкил этади (Mafla-Mendoza A.P. et al., 2023). Аксарият ҳолларда инсултлар 45 ёшдан катта одамларда юз беради. M. Liang ва ҳаммуаллифларнинг (2021) фикрича, инсултдан кейинги эпилептик ҳужжатларнинг 30 % 60 ёшдан катталарда биринчи марта ташхисланади.

Кенг кўламли мета-таҳлил (J.Z. Wang et al. (2017)) натижаларига кўра, инсултни бошидан кечирган беморларда ИКЭ ривожланишининг ўртача частотаси 5,7%ни ташкил қилади. Касалланиш даражаси мияга паренхиматоз қон қуйилиши ёки субарахноидал қон қуйилиши кузатилган беморларда юқори. Қон қуйилиши тутканок ҳужжат хавфини 10-16 % оширади (Pezzini A. et al., 2024).

Ишемик инсултнинг кечки муддатида юзага келадиган эпилепсиянинг, беморларда ривожланиши хавфи энг юқоридир (Galovic M. et al., 2021; Stefan H., Michelson G., 2024). Эрта эпилептик ҳужжатлар инсултдан кейинги дастлабки 2 кун ичида кузатилади, кеч ҳужжатлар эса инсултдан кейинги 6 ойдан 1 йилгача бўлган муддатда пайдо бўлиши мумкин, буни М.Ҳ. Хи тадқиқотлари (2018) тасдиқлаган. G.S. Varolin таснифига (1962) кўра, инсултдан сунг эрта ҳужжатлар биринчи 7 кун ичида, кечги ҳужжатлар 8чи кундан 21 кун ичида, даракчи тутканок ҳужжатлар (инсултга олиб келувчи)га булинади. A. Pezzini et al. (2024), H. Stefan, G. Michelson (2024) маълумотларига мувофиқ, инсултдан кейин беморларда эрта эпилептик ҳужжатлар частотаси 2–33% дан 50–78% гача, кеч инсултдан кейинги ҳужжатлар частотаси эса –3–4,5% дан 67% гача қайд этилган. Бироқ ушбу тасниф бўйича ажратилган ҳужжатларнинг ИКЭ юзага келиши хавфига нисбатан патогенетик аҳамияти яхши ўрганилмаган. Шу пайтгача ИКЭ шаклланиши механизмлари, инсултдан кейинги эпилептик ҳужжатларнинг асосий предикторлари ҳамда

уларнинг патогенезида турли биомаркерларнинг роли ва касаллик якунига таъсири ҳали ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Ишемик инсултдан кейин эпилепсиянинг ривожланишига турли хил биомаркерлар ишора қилиши мумкин, уларни миқдорини аниқлаш мумкин. Биологик нейрояллиғланиш жараёнида простагландинлар, хемокинлар, цитокинлар каби яллиғланиш медиаторлари, комплемент компонентлари, ўсиш омиллари ва шикастланишга боғлиқ молекуляр паттернлар ажралади (ингл. damage-associated molecular patterns, DAMPs) (Vezzani A. et al., 2019; Wang M. et al., 2022; Misra S. et al., 2023). Юқори қўзғалувчанлик, синаптик узатишдаги ўзгаришлар, глиоз, гематоэнцефалитик тўсиқ (ГЭТ) функциясининг бузилиши ва аномал нейрогенез – буларнинг ҳаммаси узок нейрояллиғланиш оқибатларидир (Abraira L. et al., 2020, 2024; Ebner L. et al., 2024). Қонда биомаркерлар концентрациясининг ўзгариши касаллик мавжудлиги ёки унинг ривожланаётганлигидан далолат бериши мумкин (Bronisz E. et al., 2016), уларнинг баъзилари эса нейропротектор хусусиятига эга (Tröscher A.R. et al., 2021), шу сабабли уларни тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Марказий нерв тизимининг (МНТ) турли нейродеструктив касалликларини, шу жумладан, эпилепсияни ташхислашда нейроспецифик энлазани(ингл. neuron-specific enolase, NSE) ўрганиш нейроиммунологиянинг истиқболли йўналишига айланди. Хуружлар тез-тез такрорланадиган беморларда NSEнинг энг юқори қийматлари кузатилган. Бу айниқса ёшроқ одамларга хос, бу ҳақда Н. Eriksson et al. (2021), Х. Bai et al. (2022) тадқиқотларида ҳам айтилган. Томирлар эндотелийсининг ўсиш омиллари (ингл. vascular endothelial growth factor, VEGF) – бош миёда гематоэнцефалик барьер дисфункцияси билан боғлиқ яна битта молекула (Ogaki A. et al., 2020; Zabrodskaya Y. et al., 2023). Томирдаги нуқсонларнинг (малформациялар каби) юзага келиши ва авж олиши негизида локал ўта юқори VEGF экспрессияси ётади (Park S.J., Park S.H., 2016; Li P. et al., 2018; Guo D. et al., 2024). Аниқланишича, эпилепсияли беморларга гиппокампада томирларнинг зичлиги, эпилепсиясиз назорат гуруҳидагилар гиппокампидагига қараганда тахминан икки баравар юқори. Бироқ VEGF га боғлиқ ГЭБ дисфункцияси эпилепсия ривожланишига ва эпилептик тутқаноқларга қандай таъсир қилиши маълум эмас.

Мамлакатимизда инсултдан кейинги эпилепсияли беморлар қони зардобиди NSE миқдорини Г.С. Рахимбаева, Н.С. Рашидовалар тадқиқ қилишган, тадқиқотлар натижаларига кўра бу миқдор кон-томирли эпилепсияли беморларга қараганда юқори чиққан. Ё.Н. Маджидова, А.А. Солихзода, Х.Н. Максудова, А.Э. Халиловалар фармакорезистент эпилепсияли беморларда, шу жумладан болаларда, клиник-неврологик хусусиятлар ва терапияни оптималлаштириш масалаларини ёритиб беришган, Б.Г. Гафуров, Л.М. Зупарова ИКЭ нинг клиник хусусиятларини ва нейропротекторли даволашни кўрсатиб беришган, Х.М. Халимова, Н.А. Аликулова эпилепсиянинг аёлларда кечишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишган, Н.М. Туйчибаева ЭЭГ видео-

полисомнографиянинг ролини ва фармакорезистент эпилепсиянинг генетик хусусиятларини тадқиқ этган, Д.П. Изюмов, Азимова Н.М., Нурмухамедова М.А., Самадов Ф.Н. Оролбўйи минтақасида эпилепсиянинг эпидемиологик ва клиник тавсифларини ўрганишган, Р.Б. Азимова эпилепсияда нейробиомаркерлар (табiiй нейротроп аутотаначалар) ролини аниқлади ҳамда катталарни эпилепсияга қарши препаратлар (АЭП) билан даволаш масалалари билан шуғулланди, Х.А. Расулова инсултдан кейинги эпилепсияни клиник-нейрофизиологик хусусиятларини, VEGF-боғлиқ ангиогенез, физиологик ҳолатларда ҳамда ИИ ва ИКЭ каби патологик ҳолатларда аввалги мавжуд томирлардан янгиларининг ҳосил бўлиши жараёнини, шу жумладан, тажрибалар йўли билан ўрганди, А.Т. Джурабекова, З.К. Амонова, К.В. Шмирина эпилепсияни гипоталамо-гипофизар тизим дисфункцияси негизида гендер фарқлар нуктаи назаридан ўрганилган.

Шундай қилиб, инсултни бошидан кечирган беморларни даволашдаги ютуқлар туфайли, ИКЭ тарқалганлиги тобора ортиб бормоқда. ИКЭ юзага келиши, унинг олдини олиш в эрта ташҳислаш юзасидан огоҳликни ошириш муҳим амалий аҳамият касб этган. Ишемик инсулт асоратларини ва ИКЭ ривожланишини башорат қиладиган биомаркерларни излаш, ташҳислаш протоколини ишлаб чиқиш ва унинг асосида кейинги ИКЭ терапияси тактикасини белгилаш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг 02-4974-сонли илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида аҳоли саломатлигини, яшаш муҳитини тиббий муҳофаза қилиш, касалланиш хавфи омилларини барвақт аниқлаш ва аҳолини тиббий-профилактик даволаш сифатини яхшилаш” (2018-2022й.) мавзуси доирасида бажарилган(давлат руйхатга олиш рақами №01.1800229)

Тадқиқотнинг мақсади инсултдан кейинги эпилепсияли беморларнинг клиник-неврологик, нейрофизиологик ва нейроиммунологик тавсифларини касалликни ташҳислаш ва даволаш усулларини яхшилаш мақсадида ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишемик инсулт оқибатлари бўлган беморларнинг клиник-анамнестик, соматик маълумотлари ва неврологик ҳолатини ИКЭ мавжудлигига қараб киёсий таҳлил қилиш;

ИКЭ беморларда касалликнинг оғирлигини, ҳуружлар турини ва эпилепсия шаклини клиник шкалалар, нейровизуаллаштириш ва электроэнцефалография (ЭЭГ) ёрдамида аниқлаш;

ИКЭли беморларнинг қон зардобидида NSE ва VEGF миқдорларини текшириш ва клиник-нейроиммунологик корреляцияларни тадқиқ қилиш ;

ишемик инсултдан кейинги кеч ҳуружларни эрта ташҳислаш ва башорат қилишда беморларнинг қон зардобидида NSE ва VEGF миқдорлари кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда мослаштирилган шкалалар имкониятларини аниқлаш;

клиник-нейроиммунологик тадқиқотлар негизида ИКЭни ташҳислаш ва даволаш схемасини ишлаб чиқиш ҳамда ИКЭли беморларни эдаравондан фойдаланиб комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 28-84 ёшгача бўлган 170 нафар бемор олинди, уларнинг 70 нафари ишемик инсултдан кейинги ҳолат ва кеч эпилептик хуружлари бўлган беморлар (асосий гуруҳ), 70 нафари ишемик инсултдан кейинги ҳолат, эпилепсиясиз (таққослаш гуруҳи) ва 30 нафари бошқа оғир соматик ва неврологик касалликлари булмаган худди шундай ёш ва жинсдаги остеохондроз ва астено-невротик синдромли беморлар (назорат гуруҳи) ташкил қилди.

Тадқиқотнинг предметини қон зардоби, баҳолаш шкалалари, клиник-неврологик ва иммунологик тадқиқотлар натижалари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш жараёнида умумий клиник ва махсус текшириш усуллари: неврологик текширув, Глазго комалар шкаласи бўйича ҳуш даражасини, NIHSS бўйича инсултнинг оғирлигини баҳолаш, модификацияланган Рэнкин шкаласи, (mRS), Бартел шкаласи (индекси), ишемик инсултдан кейинги кечги хуружларни башорат қилиш учун SeLECT шкаласи, эпилепсия оғирлигини баҳолаш учун К. Lühdorf таснифи, нейрофизиологик (ЭЭГ), нейровизуаллаштириш усуллари (бош КТ, МРТси), NSE ва VEGF миқдорларини текшириш учун ИФА ҳамда математик-статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

клиник-нейрофизиологик ва нейровизуалогик усуллар ҳамда беморларни халқаро SeLECT шкаласи (Se – инсулт оғирлиги, L – йирик артерия атеросклерози, E – эрта хуружлар, C – кортексга таъсир, T – мия қаватининг зарарланиши) бўйича тестдан ўтказишга асосланган ишемик инсултни ўтказган беморларда кечиккан эпилептик хуружларнинг ривожланишини прогноз қилиш илмий асосланган;

ишемик инсултдан кейинги кечиккан эпилептик хуружларнинг ривожланишида этиологик сабаблар ва хавф омилларининг ўрни ҳамда нейронлар зарарланиши ва ангиогенез омилларини қўшимча баҳоланганда постинсулт эпилепсиясини эрта аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

постинсулт эпилепсия ривожланишида нейронларнинг зарарланиш омиллари – NSE (нейрон-специфик энолаза) ва VEGF (ангиогенез омиллари)нинг патогенетик, диагностик ва прогнозик аҳамияти, уларнинг даражалари билан беморларнинг функционал ҳолатини баҳолайдиган шкала кўрсаткичлари ўртасида корреляцион боғлиқлик исботланган;

нейрофизиологик ва нейроиммунологик тадқиқотлар асосида постинсулт эпилепсияси бўлган беморларни комплекс даволашда когнитив ва неврологик дефицитни камайтиришга ёрдам берувчи эдаравон дори воситасини қўллашнинг клиник-патогенетик самарадорлигини баҳолаш орқали эпилептик хуружларни қўзғатмасдан инсултни даволаш такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

Инсултдан кейинги эпилепсияда асосий хавф омиллари ва клиник хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида ташҳис қўйиш ва ишемик инсултдан кейинги асоратларни олдини олишга эришилган.

Ўткир ишемик инсулт билан оғриган беморларни текшириш учун ва инсултдан кейинги эпилепсияда эрта ва кеч шаклланадиган тутқаноқ хуружларини олдиндан башорат қилиш ва олдини олиш учун диагностик схема яратилган.

Инсултдан кейинги эпилепсия билан оғриган беморларнинг қон зардобидан нейронларнинг шикастланиш омиллари NSE ва ангиогенез омиллари VEGF ўрганилган, касаллик патогенезида аниқлик киритилган. Бу эса инсултдан кейинги эпилепсия билан касалланган беморларни патогенетик асосланган даволаш протоколини оптималлаштириш ва бунинг натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида фойдаланилган назарий ёндашув ва усуллар ҳамда ўтказилган тадқиқотларнинг илмий-услубий нуқтаи назардан тўғрилиги, тўпланган материалларнинг етарлилиги, танланган усулларнинг замонавийлиги ва бири-иккинчисини тўлдирганлиги, объектив клиник, нейрофизиологик, нейровизуализацион, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари ўзига хос тарзда қўлланганлиги, уларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, олинган хулоса ва натижаларнинг ваколатли тузилмалар ва органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, ИКЭли беморларда клиник-иммунологик ва нейрофизиологик ўзгаришларни баҳолаш орқали клиник-нейроиммунологик бузилишлар патогенези ва сабаб-оқибат алоқаларини ўрганишга жиддий хисса қўшади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ИКЭни ташҳислаш ва даволаш усулларини оптималлаштиришдан иборат. ИКЭни ташҳислашнинг далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланиб ишлаб чиқилган диагностик клиник-нейроиммунологик бузилишларни ҳисобга олишни таъминлайди, бу эса ишемик инсултдан кейинги кеч хуружларни прогноз қилиш ва олдини олиш учун шарт-шароитлар яратади. Бундан ташқари, диагностик матрицада ИКЭни орттирилган таркибий эпилепсия шакллари билан бири сифатида дифференциал ташҳислаш учун фойдаланиш мумкин. ИКЭни даволаш усулларини такомиллаштириш ортиқча дорилар ишлатилишини камайтириши ва беморлар турмуш сифатини ошириши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инсултдан кейинги эпилепсия ташҳиси қўйилган беморларда тутқаноқ хуружларининг клиник кечиши ва уни даволаш хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Биринчи илмий янгилик: клиник-нейрофизиологик ва нейровизуалогик усуллар ҳамда беморларни халқаро SeLECT шкаласи (Se – инсулт оғирлиги, L – йirik артерия атеросклерози, E – эрта хуружлар, C – кортексга таъсир, T –

мия қаватининг зарарланиши) бўйича тестдан ўтказишга асосланган ишемик инсултни ўтказган беморларда кечиккан эпилептик хуружларнинг ривожланишини прогноз қилиш илмий асослаб берилгани Тошкент шаҳар 5-сон шаҳар клиник шифохонаси 13.08.2024 йилдаги 135-сон буйруғи ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси 17.08.2024 йилдаги 01-98-сон буйруғи томонидан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* олиб борилган тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш ишемик инсулт оқибатлари бўлган беморларда кеч эпилептик хуружларни ташҳислаш ва эпилепсия оғирлигини баҳолаш, охириги яқунни прогноз қилиш ва стационарда даволаниш муддатларини қисқартириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ИКЭли беморларни комплекс текширишни тизимлаштириш ташҳислашга ўз вақтида дифференциал ёндашувни қўллаш ва ишемик инсулт кеч реабилитация даврида беморларни олиб бориш, барвақт ўлимни камайтириш ва стационарда даволаниш муддатларини 4-5 кунга қисқартириш имконини берган, бу эса ҳар бир беморга тежаладиган 880000-1020000 сўмни ташкил қилган. *Хулоса:* ишемик инсулт оқибатлари бўлган беморларда кеч эпилептик хуружларни ва эпилепсия оғирлигини аниқлаш учун махсус шкала ва усуллардан фойдаланиш беморларнинг яшаб қолиши кўрсаткичларини оширди ва шу тариқа ўлим, ногиронлик кўрсаткичларини, стационарда даволаниш муддатларини камайтирди, молиявий харажатларни қисқартирди.

Иккинчи илмий янгилик: ишемик инсултдан кейинги кечиккан эпилептик хуружларнинг ривожланишида этиологик сабаблар ва хавф омилларининг ўрни ҳамда нейронлар зарарланиши ва ангиогенез омилларини қўшимча баҳоланганда постинсулт эпилепсиясини эрта аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилгани Тошкент шаҳар 5-сонли шаҳар клиник шифохонаси 13.08.2024 йилдаги 135-сон буйруғи ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси 17.08.2024 йилдаги 01-98-сон буйруғи томонидан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ишемик инсултдан кейинги эрта ва кеч юзага келадиган эпилептик хуружлар, ҳар хил турдаги талвасаларни ўз вақтида ташҳислашдан иборат бўлиб, бу функционал яқунни яхшилашга имкон берадиган ИКЭни даволаш тактикасини танлаш учун муҳимдир. *Иқтисодий самарадорлиги:* ўтказилган тадқиқот натижаларини жорий этиш ишемик инсулт оқибатларига эга беморларда кеч юзага келадиган эпилептик хуружларни ташҳислаш ва прогнозлашга долзарб ёндашувларни ишлаб чиқишга таъсир кўрсатди ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишга молиявий харажатларни камайтириш, ходимларнинг иш вақтини қисқартириш имконини берди. *Хулоса:* ишемик инсулт оқибатлари бўлган беморларда кеч эпилептик хуружлар ривожланишининг олдини олиш учун 1 беморга бюджет маблағларининг тежалиши 2 813 943 сўмни ташкил қилган.

Учинчи илмий янгилик: постинсулт эпилепсия ривожланишида нейронларнинг зарарланиш омиллари – NSE (нейрон-специфик энолаза) ва VEGF (ангиогенез омиллари)нинг патогенетик, диагностик ва прогнозик аҳамияти, уларнинг даражалари билан беморларнинг функционал ҳолатини баҳолайдиган шкала кўрсаткичлари ўртасида корреляцион боғлиқлик

исботлангани Тошкент шаҳар 5-сонли шаҳар клиник шифохонаси 13.08.2024 йилдаги 135-сон буйруғи ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси 17.08.2024 йилдаги 01-98-сон буйруғи томонидан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ўрганилган биомаркерлар иммунологик таҳлилини амалиётга жорий этиш Ишемик инсултдан кейин эпилепсия ривожланиши ёки авж олиши эҳтимолини олдиндан айтиш имконини берди. Нерв тўқимасининг шикастланганини ҳамда ангиогенез жараёнини тавсифлайдиган кўрсаткичлар билан беморлардаги касалликнинг оғирлик даражаси, ногиронланиш, реабилитацион салоҳияти, кундалик ҳаётдаги фаоллиги ўртасидаги корреляция даражаси аниқланди. *Иқтисодий самарадорлиги:* нейроиммунологик маркерларни клиник шкалалар кўрсаткичлари билан боғлаб таҳлил қилиш орқали ИКЭ кечишининг оғирлигини аниқлашга комплекс диагностик ёндашув эрта якунини прогноз қилиш ва жон сақлаш даражасини ошириш имконини берди, бу барвақт ўлим, ногиронланиш, беморларнинг стационарда бўлиши муддатларини камайтиришга ҳамда ҳар бир беморга молиявий харажатларни 950000 сўмга қисқартиришга хизмат қилди. *Хулоса:* ўрганилган биомаркерлар қийматларини амалий қўллаш ИКЭ якунини прогноз қилиш ҳамда беморларнинг ўлими, ногиронланиши ва стационарда бўлиш муддатларининг қисқариши тарзида унинг клиник якунининг яхшиланишини таъминлади;

Тўртинчи илмий янгилик: нейрофизиологик ва нейроиммунологик тадқиқотлар асосида постинсулт эпилепсияси бўлган беморларни комплекс даволашда когнитив ва неврологик дефицитни камайтиришга ёрдам берувчи эдаравон дори воситасини қўллашнинг клиник-патогенетик самарадорлигини баҳолаш орқали эпилептик ҳуружларни қўзғатмасдан инсултни даволаш такомиллаштирилгани Тошкент шаҳар 5-сонли шаҳар клиник шифохонаси 13.08.2024 йилдаги 135-сон буйруғи ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси 17.08.2024 йилдаги 01-98-сон буйруғи томонидан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ИКЭ ли беморларни комплекс даволашнинг ишлаб чиқилган схемаси унинг самарадорлигини сезиларли оширади, беморлар саломатлигининг тезроқ тикланишига, клиник-нейрофизиологик ва иммунологик ҳолатининг меъёрга қайтишига, эпилептик ҳуружлар қайталаниши (рецидив) частотасининг камайишига ёрдам беради. Дориларнинг қўлланилган комбинацияси синергик самарага, антиоксидант фаолликка эга бўлиб, оқибатларини ва кеч юзага келадиган эпилептик ҳуружларни даволашда самарали ҳисобланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* ИКЭни даволашнинг янги усулини амалиётда қўллаш ҳар бир клиник ҳолатда энг оптимал ёндашувни аниқлашга, даволаш тактикасининг нотўғри танланганлиги ҳисобига эпилепсиянинг қайтарилиши эҳтимолини истисно этишга ёрдам беради. *Хулоса:* ИКЭли беморларни даволашга харажатлар самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ИКЭни даволашнинг оптималлаштирилган усулини қўллаш беморлар жонлантириш, интенсив терапия ва неврология бўлимларида бўлганда бюджет маблағларининг тежалишига олиб келди. Ишемик инсулт оқибатлари бўлган

беморларда кеч эпилептик хуружларни даволаш, қайталанишларнинг олдини олиш ва касаллик якутини яхшилаш учун бюджет маблағларининг 1 беморга нисбатан тежалиши 2813943 сўмни ташкил қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 118 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети таърифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ёритиб берилган ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инсултдан кейинги эпилепсия эпидемиологияси, клиник кечиши ва терапияси масалалари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган, эпилепсия эпидемиологияси, таснифи, ИКЭ хавфи омиллари ва клиник-ташҳисот хусусиятлари ҳақидаги охирги адабиётлар маълумотлари келтирилган. ИКЭ патогенезига замонавий қарашлар баён қилинган. ИКЭ комплекс терапиясига турли ёндашувлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Инсултдан кейинги эпилепсия билан оғриган беморларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморлар ва тадқиқот усулларининг клиник тавсифи келтирилган. 2021 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Тошкентдаги 7-сон шаҳар клиник шифохонасида ҳаммаси бўлиб 28 - 84 ёшгача бўлган 170 нафар бемор текширилди. Тадқиқот когортасини тузишда *киритиши мезонлари* ҳисобга олинган, бу мезонлар: 18 ёшдан катта; кеч тикланиш даври ва ишемик инсулт қолдиқ белгилари даври (ишемик инсултли гуруҳлар учун).

Тадқиқотдан чиқариш мезонлари: болалар ва ўсмирлар; ишемик инсултнинг энг ўткир ва ўткир даври; геморрагик инсулт; мия қон айланишининг бошқа ўткир ва вақтинчалик касалликлари: гипертоник кризлар ва транзитор ишемик ҳужумлар; инсултдан олдин бошланган

эпилепсия; ҳар хил турдаги кенг кўламли органик патологиялар, шу жумладан ўсимталар, бош мия жароҳатлари, токсик заҳарланишлар, клиник ўлим ва бошқа шу каби ҳолатлар, психик бузилишлар.

Ишемик инсултни бошидан кечирган беморлар уларда эпилепсия ташҳислангани ёки ташҳисланмаганига қараб икки гуруҳга ажратилди. Асосий (1-чи) гуруҳга ҳаётидаги биринчи ишемик инсултдан кейинги кеч эпилептик ҳуружли 70 нафар бемор (42 нафар эркак (60%) ва 28 нафар аёл (40%)) киритилди. Беморларнинг ёши $62,95 \pm 9,98$ ни ташкил қилди (28 дан 79 ёшгача, медиана 63 ёш). Таққослаш гуруҳи (2-гуруҳ) ҳам эпилептик ҳуружсиз ИИ оқибатлари мавжуд 70 нафар бемордан шакллантирилди (51 нафар (72,86%) эркак ва 19 нафар (27,14%) аёл). Ўртача ёш $62,24 \pm 11,55$ ни ташкил қилди (30 дан 84 ёшгача, медиана 62 ёш). Назорат гуруҳига ИИ, эпилепсия ёки бошқа жиддий соматик ва неврологик касалликлари бўлмаган астено-нефротик синдром ва дорсопатияли 30 нафар бемор (9 нафар (42,9%) эркак ва 12 нафар (57,1%) аёл) киритилди. Ўртача ёш $55,18 \pm 10,48$ ни ташкил қилди – (45 дан 59 ёшгача, медиана 55 ёш).

Олинаётган терапияга қараб асосий гуруҳдаги беморлар ($n=70$) 2та кичик гуруҳга ажратилди: 1а гуруҳ (даволанаётган таққослаш гуруҳи) – ишемик инсулт ни даволаш учун анъанавий комплекс терапия, эпилептик ҳуружларни даволаш учун ушбу эпилепсия шакли учун биринчи танлов бўлган АЭПдан бири билан монотерапия (бошланғич ёки кейинги, шу жумладан ноадекват политерапиядан кейин) олаётган 35 нафар ИКЭли бемор; 1б гуруҳ (асосий даволаш гуруҳи) – ишемик инсултга қарши анъанавий комплекс терапия таркибида кўшимча эпилептик ҳуружларга қарши АЭП ва антиоксидант хоссали нейропротектор - эдаравон (ксаврон) қабул қилаётган 35 нафар ИКЭли бемор. Эдаравон (ксаврон) биз ишлаб чиққан схема бўйича 10 кун давомида 100,0 мл изотоник натрий хлорид эритмасида 20 мл дан 1,5 мг/мл инъекция вена ичига ҳар 12-24 соатда 30 дақиқа давомида томчилатиб юборилди. Даволаш жараёнида ҳамда препаратларни юбораётганда мунтазам жигар, буйрак фаолияти таҳлиллари ва қон таҳлили ўтказилди, таҳлиллар кўрсаткичларида аномал ўзгаришлар ёки олигурия аниқланганда препарат юбориш дарҳол тўхтатилди ва тегишли чоралар кўрилди. Бундан ташқари, беморнинг ҳолатини синчковлик билан кузатиш инъекциялар тўхтатилгандан кейин ҳам давом эттирилди. Терапия самарадорлиги эпилептик ҳуружлар частотасининг пасайиши кўрсаткичи бўйича бошланғич частотага ва неврологик танқислик тикланишига нисбатан фоизларда стандарт мезонлар бўйича баҳоланди. Клиник ва неврологик текширув бирламчи кўриқда ўтказилди, сўнг 6-12 ой давомида кузатилди.

Шунингдек, фойдаланилган клиник-неврологик, анамнестик, шу жумладан эпилептик анамнез, лаборатор-инструментал, нейрофизиологик (ЭЭГ) ва нейровизуализацион (бош мия КТ, МРТси) текширув усуллари батафсил баён этилди. ИИ ташҳиси ва унинг оқибатларига МКБ-10 га (ИИ оқибатлари учун код I69.3), Европанинг инсулт ташкилоти (ингл. European Stroke Organisation, ESO) ва Халқаро Эпилепсияга қарши лига (ХЭҚЛ, ингл. International League Against Epilepsy, ILAE) каби умумэтироф этилган

ташкilotларнинг дастурий хужжатларидаги тавсияларга мувофиқ таъриф берилди. ИИ нинг патогенетик кичик турини аниқлаш Н.В. Верешагин (2002), З.А. Суслина, М.А. Пирадов (2008) томонидан ишлаб чиқилган тасниф ва услубий тавсияларга мувофиқ ҳамда Х.А. Расулованинг (2014) ишемик инсултнинг патогенетик кичик турларининг дифференциал ташхислаш усули бўйича амалга оширилди. Натижада ишемик инсултнинг асосий кичик типлари аниқланди: атеротромботик (АТИ), лакунар (ЛИ), кардиоэмболик (КЭИ) ва криптоген (КИ) инсулт.

Эпилептик хуружлар ва эпилепсия турини аниқлаш учун хуружлар турларининг ишчи таснифлагичи ва ILAE (2017) бўйича эпилепсия дефинициясидан фойдаланилди. Шунингдек, эпилепсия ташхисини қўйиш учун МКБ-10га мурожаат этилди, унда эпилепсия G40 коди билан белгиланган.

Хушда бўлиш ва онг бузилишининг ифодаланганлик даражаси Глазго шкаласи бўйича баҳоланди. ишемик инсулт оғирлик даражасини баҳолаш учун Миллий соғлиқни сақлаш институтлари (ингл. National Institutes of Health Stroke Scale, NIHSS) инсулт шкаласи, ногиронланиш даражасини баҳолаш учун – модификацияланган Рэнкин шкаласи (ингл. modified Rankin scale, mRS), беморни парваришлаш самарадорлиги ва базавий функционал фаоллигини баҳолаш учун – Бартел шкаласидан (Barthel scale, Barthel Activities of daily living Index) фойдаланилди.

ИИдан кейинги кеч хуружларни прогноз қилиш учун SELECT score шкаласидан (ингл. SEverity of stroke, Large artery atherosclerosis, Early seizure, Cortical involvement, Territory of the middle cerebral artery) фойдаланилди. Эпилепсиянинг оғирлик даражасини аниқлаш учун К. Lühdorf ва ҳаммуаллифлар (1986) таснифидан фойдаланилди: юмшоқ кечиши (енгил даража) – бир йилда 3 ва ундан кам хуруж, ўрта даража – бир йилда 12 ва ундан кам хуруж, оғир кечиши (оғир даража) – бир йилда 13 ва ундан кўп хуруж.

Стандарт таҳлилларга қўшимча тарзда, 6 ойдан кўп вақт утган ИИни бошидан кечирган асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги барча кузатилаётган беморларга ҳамда назорат гуруҳидагиларга иммунофермент таҳлил (ИФА) ёрдамида NSE миқдорлари «НСЕ-ИФА» («Хема» МЧЖ, Россия) реагентлар тўпламидан ҳамда VEGF миқдори VEGF-ИФА-БЕСТ («Вектор-Бест» АЖ, Россия) реагентлар тўпламидан ишлаб чиқарувчилар қўлланмалари бўйича фойдаланган ҳолда аниқланди. Олинган маълумотлар асосида «logit-log» координаталарида калибровкалаш намуналари учун NSE (нг/мл) ва VEGF А (пг/мл) концентрацияларининг корреляцион жадвали тузилди.

Беморларда нейровизуаллаштириш (бош мия МРТ ва КТси), нейрофизиологик текширувлар (ЭЭГ) бажарилди. МРТ-текширув Phillips American G аппаратида (магнит майдони кучланиши 1,5 Тл) T1, T2, FLAIR, FSE-axial, FSE-coronar, T2*/ SWI, DWI режимларида бажарилди. Контрастсиз КТ ва КТ перфузия мультиспирал Revolution 128 срез (Philips, Голландия) компьютер томографида олд-орқани 2,5 мм кесимда сканерлаш орқали бажарилди. Текширувлар Тошкент шаҳридаги хусусий «Медион» клиникасида ўтказилди.

Ҳамма беморларда 19-каналли USB 58 DV 2.3 Вт (Neurosoft, Россия) тизимида ЭЭГ ёзувлар олинди. ЭЭГ графит ва металл электродлардан фойдаланиб стандарт методика бўйича бажарилди, электродлар Халқаро электроэнцефалография ва клиник нейрофизиология федерациясининг халқаро «10-20» схемаси (Jasper Н.Н., 1940, 1958) бўйича эластик қалпоқчага ўрнатилган. Фон ёзуви асосан иккита дастур: I ва IV стандарт (“чакка” ва “марказий”) тармоқлар бўйича олинган. Функционал синамалар ҳам худди шундай бажарилган: беморларнинг ёши катталигини ҳисобга олиб 2-3 дақиқа давомида гипервентиляция, нафасни ушлаб туриб синама, кўзни очиш ва юмиш синамаси, 5 дан 30 м/с гача частотали ритмик фотостимуляция. ЭГГ тури (паттерн) Е.А. Жирмунская (1984, 1991) таснифи бўйича аниқланди, унга кўра ЭЭГнинг бешта тури ажратилади, шунингдек Н. Luders бўйича (2000) батафсил тасниф амалга оширилди.

Ишемик инсултнинг патогенетик кичик турини ва ишемик инсултнинг кардиоген сабабини аниқлаш учун бир/уч каналли электрокардиограф Аxiон ЭК 1Т-1/3-07 (Аксион, Россия) дан фойдаланиб ЭКГ бажарилди. ЭхоЭС-текширув Sonomed 315 В ЗАО аппаратида (Спектротомед, Россия) бажарилди. Брахиоцефал кон-томирларнинг атеросклеротик шикастланганини аниқлаш ва стеноз даражасини белгилаш учун ультратовушли LOGIA-V2 сканеридан (Хитой) фойдаланиб дуплекс сканерлаш амалга оширилди.

Дастлаб маълумотлар ҳар бир беморнинг рўйхатдан ўтказилган картасига киритилди, кейин электрон маълумотлар базасига Excel 2010 (Microsoft, АҚШ) кўчирилди. Таҳлил учун анъанавий вариацион статистика усулларидан фойдаланилди. Натижалар ўртача қиймат ва стандарт оғиш ($M \pm SD$) билан тақдим этилди. Маълумотларнинг нормал тақсимланиши текширилгандан кейин миқдорий қийматлар Стъюдентнинг t-мезони бўйича, сифат кўрсаткичлари эса – χ^2 мезони ёрдамида баҳоланди. Пирсон корреляцияси коэффицентини (r) ҳисоблаш орқали иккита танланган жамланмалар ўртасидаги боғлиқлик баҳоланди. Статистик аҳамиятли фарқлар 95% ($p < 0,05$)дан кам бўлмаган тарзда аниқланди.

Диссертациянинг «**Инсултдан кейинги эпилепсияли беморларнинг клиник тавсифи**» деб номланган учинчи бобида ИКЭли беморлар таҳлилларининг натижалари тақдим этилди, унда танланмага илк марта бошидан кечирилган ИИнинг оқибатлари мавжуд 70 нафар бемор киритилди, уларда кеч эпилептик ҳуружлар, “чандиқли эпилепсия” деб аталадиган ҳуружлар биринчи марта кузатилган. ИИ ривожланганидан бошлаб биринчи эпилептик тутқаноқ бошланган вақтгача ўтган вақт медианаси 6 ойни, ИИдан беморлар тадқиқотга киритилган пайтгача ўтган вақт – 12 ойни ташкил қилди. Ҳар икки гуруҳда эркаклар бир хил даражада кўпроқ эди, эркак ва аёлларнинг нисбати 1 ва 2 гуруҳда тегишинча 1,5:1 ва 2,66:1 ни ташкил қилди. 1-гуруҳда ўрта (30%), катта ёшдагилар (28,57%) ва қариялар (32,8%) кўпроқ бўлди, ёшлар (29 ёшгача) камроқ (1,42%) учради. 2-гуруҳда ҳам ўрта (41,42%; $\chi^2=1,35$, $p=0,02$), катта (22,85%; $\chi^2=0,37$, $p=0,05$) ёшдагилар ва қариялар (22,85%; $\chi^2=1,1$, $p=0,02$) кўпроқ, 20-49 ёш оралиғидагилар (5,7%; $\chi^2=0,28-0,50$, $p=0,04$) эса камроқ учради, аммо уларнинг сони 1 гуруҳга қараганда кўпроқ

эди (1-жадвал). Тегишлича, ИКЭли беморлар учун эпилепсиянинг кўпрок катта ёшда ва қарияликда ривожланиши хос. Бундан ташқари, барча ёш гуруҳларида инсултдан кейин эпилепсия ривожланиши хавфи эркакларда юқори эканлиги қайд этилди.

1-гуруҳдаги 70 нафар бемордан 59 нафарида (84,29%) ўчоқ КБда ($\chi^2=0,04$, $p=0,82$), 11 нафарида (15,71%) – ВББда ($\chi^2=0,03$, $p=0,08$) жойлашган. Пўстлок соҳасидаги ишемик инсултти (КБдаги ИИ) ва эпилептик тутқаноқли беморларда инсулт ўнг ярим шарда (33 нафар (47,14%) беморда) ва чап ярим шарда (37 нафар (52,86%) бемор) тахминан бир хил частотада ($p=0,14$) кузатилди. 63 нафар бемор (90%) ўнг қўлли, 7 нафар бемор (10%) – амбидекстрлар. 2-гуруҳга нисбатан олганда ИКЭли беморларда КБдаги ИИ частотаси, айниқса чап ярим шар шикастланган ҳолатларда, 1,02 баравар юқори қайд этилди.

1-жадвал

Беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши

Ёш	1 гуруҳ (n=70)		2 гуруҳ (n=70)		χ^2	P
	Абс.	%	Абс.	%		
20-29	1	1,42	0	0	0,50	0,47
30-39	0	0	1	1,42	0,50	0,47
40-49	5	7,14	3	4,28	0,28	0,59
50-59	21	30	29	41,42	1,35	0,24
60-69	20	28,57	16	22,85	0,37	0,53
70 ва ундан катта	23	32,8	16	22,85	1,1	0,29

Иккала гуруҳда атеротромботик инсултти (АТИ) беморлар кўпчиликини ташкил қилди: асосий гуруҳда 57,14% (n=40) ва таққослаш гуруҳида 67,14% (n=47). Кардиоэмболик инсулт (КЭИ) асосий гуруҳдаги 27,14% беморларда (n=19) ташҳисланди, бу таққослаш гуруҳига (n=7, 10%) қараганда салкам 3 баравар кўп. Лакунар инсулт (ЛИ) асосий гуруҳдаги 11,43% (n=8) беморда ҳамда таққослаш гуруҳида 15,71% (n=11) беморда аниқланди. Асосий гуруҳдаги 4,29% (n=3) беморда ва таққослаш гуруҳидаги 7,15% (n=5) беморда инсулт кичик турини текширувлар пайтида верификация қилиб бўлмади, шу туфайли улар криптоген инсулт (КИ) гуруҳига киритилди.

Текширилган ИКЭли беморларда этиологик омил артериал гипертензия (АГ) (82,86%, $\chi^2=0,17$, $p=0,67$) ва унга қўшилган атеросклероз (57,14%, $\chi^2=1,2$, $p=0,27$) бўлди. ИКЭли беморлар орасида юрак патологияси (ЮИК, ИККС, аритмия, юрак нуқсони ва х.к.) таққослаш гуруҳига (10,00%) нисбатан ишончли юқори (19 (27,14%, $\chi^2=4,03$, $p=0,04$) эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, 10 нафар беморда (14,29%) иккинчи тур КД ($\chi^2=0,14$, $p=0,70$), 58 нафарида (82,86%, $\chi^2=0,37$, $p=0,54$) – семизлик, 40 нафарида (57,14%, $\chi^2=0,21$, $p=0,64$) – буйрак патологиялари ва СЙИ аниқланди. Уларга хос хавф омиллари шунингдек стресслар (94,29%, $\chi^2=0,11$, $p=0,73$), уйқу бузилишлари, уйқусизлик (92,86%, $\chi^2=3,81$, $p=0,05$), нотўғри овқатланиш (85,71%, $\chi^2=0,23$, $p=0,62$), гиподинамия (82,86% $\chi^2=0,37$, $p=0,54$), чекиш (12,86%, $\chi^2=0,13$,

$p=0,71$) ҳамда алкогольни суиистеъмом қилиш (7,14%, $\chi^2=0,71$, $p=0,39$) бўлиб чиқди.

Эпилептик тутқаноқсиз ИКЭли беморларда асосий клиник симптомлардан бош оғриғи, кўпроқ доимий бош оғриқлар (50,00%) 1,2 баравар кўп ($\chi^2=0,75$, $p=0,38$), бош айланишлари (37,14%) 1,62 баравар ($\chi^2=2,21$, $p=0,13$), оёқ-қўлларнинг кучсизлиги (50,00%) 1,75 баравар ($\chi^2=4,69$, $p=0,03$), умумий қувватсизлик (57,14%) 2,22 баравар ($\chi^2=10,07$, $p=0,001$), оёқ-қўлларда ҳаракатлар чекланганлиги (18,57%) 2,17 баравар ($\chi^2=1,69$, $p=0,19$), сезгирликнинг бузилишлари (35,71%) 2,78 баравар ($\chi^2=6,17$, $p=0,01$), нукт бузилишлари (25,71%) 1,5 баравар ($\chi^2=0,92$, $p=0,33$), қадам ташлаш бузилишлари (22,86%) 2,67 баравар ($\chi^2=3,12$, $p=0,07$), ютинишдаги бузилишлар (18,57%) 2,17 баравар ($\chi^2=1,69$, $p=0,01$), кўриш қобилиятининг бузилишлари (12,86%) 2,25 баравар ($\chi^2=1,15$, $p=0,28$), хотира (38,57%) 1,69 баравар ($\chi^2=2,65$, $p=0,10$), уйқу (50,00%) 2,19 баравар ($\chi^2=7,59$, $p=0,005$), пешоб ажралиши бузилишлари (28,57%) 1,67 баравар ($\chi^2=1,59$, $p=0,02$), кўнгил айнаши, қусиш (18,57%) 1,44 баравар ($\chi^2=0,49$, $p=0,04$), АБ кўтарилиши (47,14%) 1,83 баравар ($\chi^2=4,73$, $p=0,02$) кўп кузатилди. ИКЭни ташҳислашда асосий шикоятлардан эпилептик тутқаноқлар (талвасалар) 50,00% ($\chi^2=29,1$, $p<0,001$) беморларда, онг йўқолиши 28,57% ($\chi^2=13,3$, $p<0,001$) беморларда муҳим аҳамиятга эга бўлди. «Аура» пайтида ИКЭли беморларнинг бир қисмида кўнгил айнаши ва қайт қилиш, бош айланиши, бош ва қулоқда шовқин, кўкрак соҳасидаги оғриқлар, томоқдаги нохуш сезгилар, ҳид голлюцинациялари кузатилди. Эпилепсиянинг бевосита ифодаланишлари вегетатив, ҳаракат, таъсирчанлик, нутқ ва психик-ҳиссий бузилишларни ўз ичига олди.

Объектив клиник-неврологик текширувларда барча беморларда синдромларга бирлаштирилган органик неврологик симптомлар аниқланди. ИКЭли беморларда, эпилептик синдромдан (100%) ташқари, эпилептик тутқаноқлар бўлмаган ИИга қараганда пирамидал синдром (90%) 1,05 баравар ($\chi^2=0,56$, $p=0,45$), экстрапирамидал синдром (88,57%) 1,38 баравар ($\chi^2=10,1$, $p=0,001$) кўп кузатилди, шу билан бирга, мияча синдроми (37,14%) ва таъсирчанлик бузилишлари (7,14%) тегишинча 1,04 ($\chi^2=0,02$, $p=0,88$) ва 2,4 баравар ($\chi^2=1,83$, $p=0,17$) кам кузатилди.

ИКЭли беморларнинг асосий гуруҳида клиник феноменология бўйича 34,29% ($n=24$) беморда оддий фокал-ҳуши сакланган (ОФ) тутқаноқлар, 10,00% ($n=7$) беморда – мураккаб фокал -ҳушини ёқотиш билан (МФ) тутқаноқлар кузатилди. 26 нафар (37,14%) беморда билатерал тонико-клоник, фокал дебют билан (БЛТК) тутқаноқ хуружлари қайд этилди, улардан 13 нафаридан (18,56%) ҳолатда ноаник дебютли- ноклассифицирланган тутқаноқлар (НЭ) ривожланди. Шундай қилиб, фокал хуружлар кўпроқ бўлди.

ИКЭли беморларни тадқиқотга қўшган пайтда 32 нафар (45,71%) беморда эпилептик тутқаноқлар биринчи марта юз берган, 38 нафар (54,29%) беморда эса такрорий (кўп марталик) эпилептик хуружлар (ЭХ) кузатилган. Мазкур когортага кеч ЭТли 70 нафар бемор танлаб олинган бўлса-да (G.S. Varolin ва E. Sherzer таснифига мувофиқ инсултдан 7 кун кейин), улардан 9 нафар

(12,86%) беморда анамнезда эрта хуружлар (инсултнинг 1-чи ҳафтаси давомида биринчи марта бошланган) кўпроқ Оддий фокал, мураккаб фокал ёки эпилептик статус кўринишида юз берган, шунингдек 7 нафар (10%) беморда даракчи-тутканоқлар (сурункали бош мия ишемияси (СМИ) туфайли инсулт ривожланишидан олдин юзага келадиган хуружлар) қайд этилди. Охиргиси лакунар инсултли беморларга, шунингдек ўчоқ ВВБда жойлашган ҳолатларга хос эди.

Ишемик инсулт беморларнинг ҳар икки гуруҳида баҳоловчи шкалаларни қўллаш натижалари 2-жадвалда келтирилган. Асосий гуруҳда NIHSS шкаласи бўйича олинган қиймат $20,1 \pm 4,0$ баллни ташкил қилди, бу таққослаш гуруҳидан $1,04$ баравар юқори, таққослаш гуруҳида жами баллар $19,37 \pm 4,46$ ($p=0,3$)ни ташкил қилди. 1-гуруҳда 22,86% беморларда енгил ИИ (NIHSS шкаласи бўйича ўртача балл $9,69 \pm 2,9$), 35,71% беморларда – ўртача оғир (ўртача балл $18,36 \pm 1,65$), 41,43% беморда – оғир ИИ (ўртача балл балл $27,46 \pm 5,93$) ташхисланган. 2-гуруҳда 27,14% беморларда енгил ИИ (ўртача балл $12,00 \pm 2,93$), 45,72% да ўртача оғир ИИ (ўртача балл $19,0 \pm 1,3$), 27,14% да – оғир ИИ (ўртача балл $24,68 \pm 4,07$) қайд этилди. Шундай қилиб, оғир ИИ кўпроқ ИКЭли беморларда учради ($p < 0,05$).

2-жадвал

Ҳар иккала гуруҳидаги беморларда баҳолаш шкалалари натижалари (баллар, $M \pm m$)

Шкалалар	Асосий гуруҳ (n=70)	Таққослаш гуруҳи (n=70)	P
NIHSS	$20,1 \pm 4,0$	$19,37 \pm 4,46$	0,3
Рэнкин	$3,0 \pm 1,0$	$2,27 \pm 0,96$	$< 0,001$
Бартел	$65,0 \pm 12,65$	$65,6 \pm 9,32$	0,7
SeLECT	$3,41 \pm 1,3$	$2,94 \pm 1,3$	0,03

mRS шкаласидан фойдаланилганда ИКЭ ли беморлар ИКЭ сиз беморларга қараганда ногиронланиш даражаси бўйича қуйидаги натижаларни кўрсатди: тегишлича $3,00 \pm 1,00$ ва $2,27 \pm 0,96$ балл ($p < 0,001$) (2-жадвал). Маълумотларимизга кўра, ИКЭли беморларда модификацион Рэнкин шкаласи бўйича ИКЭсиз беморларга қараганда анча жиддий юқори баллар олинди. ИКЭсиз беморлар четдан парваришга муҳтож эмас (Рэнкин шкаласи бўйича < 3 балл), ИКЭли беморлар эса парваришга муҳтож бўлган (Рэнкин шкаласи бўйича 3 ва ундан ортиқ). Шундай қилиб, тахмин қилиш мумкинки, эпилепсия инсултли беморларнинг аҳволини ёмонлаштириши мумкин.

Кундалик ҳаётдаги фаолликни баҳолаш учун Бартел шкаласи бўйича кўрсаткичлар 1-гуруҳда ўртача $65,0 \pm 12,65$ баллни ва 2-гуруҳда $65,6 \pm 9,32$ баллни ташкил қилди (2-жадвал), бу кундалик ҳаётда атрофдагиларга ўртача қарамликдан далолат беради. Текширилаётган гуруҳлар мазкур мезон бўйича статистик аҳамиятли фарқ қилмади ($p=0,7$).

Ишемик инсултдан кейинги кеч хуружларни прогноз қилиш ва олдини олиш учун SeLECT score шкаласи қўлланилади. У эрта хуружлар, инсулт оғирлиги (NIHSS ≥ 11) ҳамда мия қавати шикастланиши (ўрта мия

артериясини ва йирик артериялар атеросклерозини ўз ичига олган ҳолда)ни ҳисобга олиб, 5 йил давомида хуружлар хавфини баҳолаш имконини беради. Эрта хуружлар постинсулт эпилепсияси ташхиси учун асос бўлмайди, бироқ унинг ривожланиш эҳтимолини оширади. E. Veghi ва M. Holtkamp томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инсултдан бир ҳафтадан кўпроқ вақт ўтгач юзага келган (кеч, провокация қилинмаган) хуруж такрорий хуружлар хавфини 60% дан ортиққа оширади.

SeLECT шкаласи бўйича даволанишдан олдинги ўртача балл 1-гуруҳда $3,41 \pm 1,30$, 2-гуруҳда – $2,94 \pm 1,30$ ни ($p=0,03$) ташкил қилди (2-жадвал). Ўрганилаётган гуруҳлар ушбу мезон бўйича бир-биридан жиддий – 1,6 баравар фарқ қилди, бу юқорида санаб ўтилган мезонлар мавжудлиги ҳисобга олинганда ИИда кеч хуружлар ривожланиши хавфининг анча юқоригидан далолат бериши мумкин. Мазкур шкаланинг расмий валидацияланган версияси йўқлиги уни Ўзбекистонда қўллашда қийинчиликлар туғдирди, валидациянинг барча зарур босқичларидан ўтмаган версиялардан фойдаланиш эса ИКЭли беморларни текширишда олинган натижаларнинг ишончилигига шубҳа уйғотади. Чунончи, биз биринчи бўлиб ИИдан кейинги кеч хуружларни прогнозлаш учун шкаланинг ўзбек-русийзабон версиясини синовдан ўтказдик ва тавсия қилдик.

Эпилепсия кечишининг оғирлигини баҳолаш учун K. Lühdorf et al. (1986) таснифидан фойдаланганда 32 нафар (45,71%) беморда ИКЖнинг енгил, 12 нафарда (17,14%) – ўртача, а 26 нафарда эса (37,15%) – оғир даражаси аниқланди. K. Lühdorf et al. таснифи фақат эпилептик тутқаноқларнинг частотасини ҳисобга олиб, шакллари (ОФ, МФ, БЛТК ёки НЭ) ҳисобга олмаслиги эътиборга олинса, шубҳасиз, ИКЭнинг оғирроқ кечиши юқори частотали беморларда, биринчи галда, генераллашган шаклларда (МФ,БЛТК) ва НЭда кузатилди. Шундай қилиб, ИКЭли беморларнинг ушбу танланмасида ИКЭнинг енгил ва оғир кечиши кўпроқ қайд этилди, бу эпилептик хуружларнинг частотаси ва шаклига боғлиқ.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг КТ/МРТ суратларини қиёсий таҳлил қилганда кичик ўлчамдаги ўчоқлар 23 ҳолатда (32,86%), ўртача ўлчамдаги ўчоқлар –30 ҳолатда (42,86%) ва катта ўлчамдаги ўчоқлар –17 нафар (24,29%) беморда аниқланган. Такқослаш гуруҳида ўчоқ ўлчамлари кичик бўлган беморлар кўпчиликини ташкил қилди ($n=39$, 55,71%) ($\chi^2=5,34$; $p=0,02$); кейинги ўринда ўрта ўлчамдаги ўчоқлар 25 нафар беморда ташхисланди (35,71%) ($\chi^2=0,52$; $p=0,47$) ва катта ўлчамлар 6 нафар (8,57%) беморда қайд ($\chi^2=3,66$; $p=0,05$) этилди. Биз олган маълумотлар шундан далолат берадики, ИКЭда ҳамма беморларда бош мияда морфологик ўзгаришлар юз беради, аммо кўпроқ инсултдан кейинги чандикли ўзгаришларнинг катта ва ўрта ўлчамлари ташхисланади.

ИКЭли беморларда ўчоқнинг жойлашишини (локализациясини) ўрганганда пешона ($n=26$, 37,14%) ва чакка ($n=22$, 31,43%) соҳалар эпилепсияси кўпчиликини ташкил қилди. Бош суякнинг тепа қисми-энса қисмидаги локализация 9 нафар (12,86%), энса қисмидаги локализация – 7 нафар (10,00%) ва пешона-чакка қисмидаги локализация 6 нафар (8,57%)

беморда кузатилди. Инсултнинг пешона қисмида локализацияси билан ОП тутқаноқ ривожланиши ўртасида корреляцион ўзаро боғлиқлик аниқланди ($r=0,7813$, $p<0,001$). Ўчоқнинг чап ярим шарда жойлашуви (52,86%) ўнг ярим шардаги жойлашувидан (47,14%) кўпроқ қайд қилинди.

Брахиоцефал кон-томирлар ултратовуш текшируви ва Магистрал кон-томирлар траскраниал доплерографияси маълумотларига кўра, Умумий уйку артерияси ва ички уйку артерияси, иккаласининг тез-тез биргаликда турли даражада шикастланиши 57,14–67,14% ҳолатларда кузатилди, кўп ҳолларда (15,71%) олдинги артерия гиперплазияси ва Виллий доираси ривожланишининг туғма аномалиялари ҳам қўшилган. 15,71% беморларда, кўпроқ АГ ва ЛИ мавжуд ёшроқ беморларда атеросклероз қўшилмаган.


